

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

557 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг биометрик дипломатик паспорти тўғрисидаги низомни ва Ўзбекистон Республикасининг биометрик дипломатик паспорти бериладиган мансабдор шахслар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 16 августдаги ПФ–4554-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг биометрик дипломатик паспорти тўғрисидаги низомни ва Ўзбекистон Республикасининг биометрик дипломатик паспорти бериладиган мансабдор шахслар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 16 августдаги ПФ–4554-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А.Х. Комилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 14 октябрь,
281-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 14 октябрдаги 281-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги 8-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 1-сон, 1-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши тартиби I бўлимининг 4-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Биометрик дипломатик паспортлар бўйича чет элга чиқиш Ўзбекистон Республикасининг биометрик дипломатик паспорти тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан расмийлаштирилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 мартдаги 63-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида биометрик паспорт тизими доирасида йиғин шохобчалари (ички ишлар органларининг кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консулик бошқармаси, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консулик муассасалари) томонидан амалга оширилган тартиботлар (ҳаракатлар) рўйхатининг 2-бандига қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг биометрик дипломатик паспортини расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш ишларини ташкил этиш».